

ЧАВАНДОЗЛАР

Ўртачирчиқ

Галаботирда улоқ бўладиган кунни ҳаво ҳам чарақлаб кетди. Жамоа хўжаликларини ўз аъзоларининг меҳмон қилдиган жойларини мусобақадан кичик кун олдириш шай килиб қўйдилар. Айни кун чинакам халқ сайлига айланди, кўчма савдо дўконлари-ю, пандалар хизматда бўлишди...

Суворийлар ниҳоятда катта майдонни эгаллаган бедазорга ҳар тарафдан кириб келардилар. Гўжингланган отларни совуётган чавандозлар машинани болакайлар ҳавас билан томоша қилардилар. Минбардан сал наридаги кураш майдончаси ҳам гажум. Ўртачирчиқ район спорт комплекси комитети раиси

Ҳакимжон Умаров абжир йигитларини майдонга олиб келган. Ф. Куролов, К. Худойбердиев, М. Дехқонбоев, С. Хўжақулловлар эркин кураш, миллий кураш бўйича эл оғзига тушганлардан. Ғолибларга пул мукофотларини жойида топшириб турилди.

Ниҳоят, минбарга биринчи бўлиб улоқ тadbирини бошқариб борувчи, мукофотларини топширувчи — Тўйтепа шаҳар фахрийлар кенгашининг раиси Ҳолмат Масодиқов чиқди. Ундан кейин эса республика кишлоқ хўжалик вазири раҳбарлари, республика деҳқончилик уюшмиси кўлхозлар кенгашининг раҳбар ходимлари, фахрийлар, район ҳокимлигининг вакиллари, тошкентлик бир қатор меҳмонлар бу жойдан ўрни оддилар. У оқиқларини бир жойга гажум қилган, район ҳокими Мирзамурод Икромов

йигитларини байрам билан қутлади. Кейин от пойгаси бўйича йигитлар куч синашди. Ҳар сафар майдонга тушган гуруҳдан голиб чиққан уч киши тақдирланарди. Бу кўрик ниҳоятла улоқ бошланди. Маррага ташланган ўлжани даст кўтариб тақини остига босган йигит юлқиниб олдинга чиқди ва майдоннинг иккинчи тарафиди маррага томон от чоптириб кетди. Чанг-тўзон осмонга кўтарилди. Отлик оломон чавандоз ортидан кўчди. Ғала-ғовур авжга минди.

— Ҳа, Шокир, бос, бўла қол, бўш келма, маррани кўзла! «Қайтмас» жамоа хўжалигининг паҳлавон йигити Шокиржон ўлжани маррага ташлади. Унинг шаънига бошқарувчи илиқ сўзлар айтиб, мукофот топширди. Менинг ён дафтаримга эса кўйидаги сатрлар кўйилди.

Аломишининг авлоди ҳей, Шокиржон, Ғиротинанг қанот пайдо айлади, Торлик қилди тулпорингга кенг майдон. Само билан ул алоқа боғлади. Ҳатто қушлар лол қолдилар бир нафас,

Учқуринанг учиб кетиб боради. Хусни, зеҳни элда уйғотди ҳавас. Марра томон елар ёриб орани. Кўз тегмасин тулпорингга сумор тақ, Асра уни тайри келган шамолдан, Ҳар улоқда голибнинг муҳаддақ, Зеро ўзи тез учаркан ҳайлдан.

Шу кунни ҳайлдан тезувар Ғиротларда Алдав, Хожибоев, Хайиткуллов, Сениқулов, Олчинбоев, Мамбетов ва бошқалар улоқ чопиб совринларини қўлга киритдилар. Тантана оқимпогача давом этди. Кейин отахонлар дуолари билан у якуланди. Суворийлар кўчаларини тўлдириб кишлоқларига қайтдилар.

Ҳамқишлоқлар шу кун Улан айтдилар, Ҳар голибни қўтлаб, дилин яшатиб, Чавандозлар уйларига қайтдилар. Ғиротларни дадил одим ташлатиб, Саидвали ҲАСАНОВ.

Суратларда улоқ тadbиридан лавҳалар. Абдувоҳид ТУРАЕВ суратга олган.



ПАРКЕНТ! Сўлим ва хушманзара, тоғ кўйида жойлашган бу гўшанинг таъриф ва тасвифи етти иқлимга етган. Зотан баҳор, ёз келди дегунча кўпчилик меҳнат таътилини Ҳисарак тоғ этакларидаги сўлим сойларда, Қумушқоннинг хушманзара дараларида, Сўқоқнинг киши қалбага ҳузур бағишловчи қир-адиру ҳур чўқилари бағрида ўтказишга ошинадилар. Турли ташвишу елиб-югуришлар сабаб улгурмаганлар эса «ҳеч бўлмаганда, бир дам ўша тоғ кўйида бўлмадимда» дея чўқур хўрсиниб қўйдилар.

Ана шундай роҳатнон гўша кишлоқларида бир лаҳза бўлса-да, бўлганмисиз, тоғликларнинг бирон тadbир ёки байрамда қатнашганмисиз?!

Ҳа, баъли. Уларнинг тadbирларида қатнашган кишининг умрбод ёдидан чиқмайди. Айниқса, табиятнинг уйғониш, яшариш байрами Наврўзи Паркентда нишонласангиз борми...

«Бу йил Наврўзи олам Паркентга ҳар йилдагидан ўзгача шукӯҳ ва тароват билан ташриф буюрди. Миллий удум, анъана ва қадриятларни ўз қалблари тўрида сақлаб келган паркентликлар эса ушбу байрамни кўтаринки кайфиятда қарши олдилар. Тоғ этакларидаги кишлоқ ва маҳаллаларда бўлганмишда бунга яна бир қарра амин бўлдим.

Эрта тонгдан «Ҳисарак» ни қарнай-сурнай садолари тўтиб кетди. Тоғ дара-си эмасми, кичкина кишлоқлардан таралган жўшқин наволар бутун Паркентга ёйилгандек бўлди. Уларга жўр бўлиб, тоғ саҳардан кишлоқ жарчиқлари — тўрт томонга чопар бўлиб кетдилар. Баълиш чўқиларга чиққан бу жарчилар барча-барчани «Ҳисарак»ка на-ҳорчи ошга, байрам шодие-наларига чорлайди.

Одамлару, одамлар! Тоғда битган бодоилар, Эшитмадидан деманглар.

Бугун Ҳисаракда катта улоқ!.. Чорловни эшитганлар шу томонга ошиқадилар. Одамлар оқимининг чеки йўқ. Уларни «Ҳисарак» кишлоқ кенгаши раиси Қайниддин Сирожиiddинов, жамоа хўжалиги раиси Икром Асомовлар самимиёт билан қарши олмақдалар. Ҳар ён-дан келаётганларнинг қўл-ларида тугун-туғун тўбана-

ТОҒНИНГ МАРД УҒЛОНИ, ДИЛБАР ҚИЗИМАН
Паркентда Наврўз шодиёналари

лар. Бу бежиз эмас, албатта. Паркентликлар мард халқ. Улар ана шундай қўт-луб шодиенага фойда кирит-дилар, ёрдамга муҳтож-ларга ҳайр-эхсон улаша-дилар.

Дарвоқе, қадимдан анъ-анавий тус олган бева-бечоралар, етим-есирлар, но-гиронларга меҳр-мурувват кўрсатиш паркентликларга хос одат. Бу ҳақда район ҳокимининг муовини Нои-он Маҳкамов тўқинла-ниб сўзлайди.

— Эзгулик, меҳр-мурув-ватни таранум этувчи Нав-рўзга тadbирларини, қар-иш икки ой илгари бош-лаган эдик. Районда уни кўн-гилдагидек ўтказиш но-миссияси тузилди, қай тарзда нишонлаш бўйича

аҳолининг талаб ва истак-лари ўрганиб чиқилди. Шу тариқа уни ўтказиш дасту-ри вужудга келди. Даст-лаб байрамолди тadbирлари уюштирилди. 16 мартда район миёсида жуда кат-та хайрия марафони бўли-б ўтди. Халқимиз ўзининг инсонпарвар, қалб кўр-ларни кенг, меҳри дарё экан-лигини яна бир бор исботла-ди. Марафонда 1,5 милли-

лотлари сотилди. Шу кунни районда илк бор қимматба-ҳо буюмлар кимшоиди сав-то доси ташкил қилинди. Ҳар йилдагидан фарқи ўлароқ бу йил рўза муносабати билан Наврўз кишлоқлар-да кейинроқ нишонланиш-га келишиб олинган эди. Бугун ана шундай тadbир-ларнинг гувоҳи бўлиб ту-рибмиз.

Ҳисаракда эса кунни ган кишиларни — ҳамма-ҳаммани учратиб мумкин. Айниқса Паркентдан, ҳа-то кўшни районлардан кел-ган отчопарларнинг белла-шуви — кўпқарини кўпчи-лик интизорлик билан кут-моқда.

Кўпқари, Бу мард чаван-дозларнинг беллашуви. Ун-да ғирромлик кетмайди. Улоқни ҳалол олган ва маррага етган кишигина соврин эгаси бўлади. Бу-нинг учун эса чавандоз-нинг куч-қувват, ҳақиқий маҳорат соҳиби, отнинг ча-йир, елдек учадиган хили-да бўлиши талаб этила-ди. Боз устига паркентлик улоқчилар тенис майдонда эмас, ҳақиқий «жанг» май-дони ҳисобланадиган ўн-қир-чўқир, тош жойларда беллашгани хуш кўради-лар. Яна денг, меҳмон чав-андозлар учун алоҳида мар-ра ҳам белгиланадиги, бу уларнинг меҳмондўст-лигидан далолат беради. Кўпқаридан аввал «ким-нинг оти тез чопди» пой-гаси уюштирилди. Унда моҳир чавандоз Дулан Дўст-ов голибни қўлга ки-рийтиб, бош соврин эгаси бўлди.

Кишлоқдаги кўп тadbир-ларнинг боши, мард ў-лоқлар беллашувининг дав-рабосиси бўлган Тожибоб полвон ҳамда 81 ешли Ҳо-жимат оталар кўпқарига старт бердилар. Қумуш-қонлик Турғунбой Жўра-ев, Ейилмалик Обид Мир-алиев, чанглик Ҳайдар Имомовлар бирин-кетин эп-чилик билан улоқни мар-рага олиб келдилар. Улар-га 3 минг сўмдан 5 минг сўмгача бўлган совринлар топширилди.

Ана, навбатдаги босқич-да кимдир улоқни марра томон олиб қочди. Бироқ унинг ортидан ҳеч бир от югурмади. Даврабосиси уни ҳақиқий эмас, деб эълон қилди. Айтишча, у улоқ-нини олдинда ғирромликка йўл қўйган. Шуни айтид-ида, кўпқарини мард чав-андозлар уйнади, деб... Ҳу, ана, майдондан сал нарида одамлар катта қур

тиқомат қилади. — дейди «Чанг» жамоа хўжалиги раиси Тоштемир Муродов, — улар турли миллат ва-киллари бўлишларига қала-май аҳил ва иноқ яша-моқдалар. Уларнинг тоту-вонлиги ёрдамда ёрдамга муҳтожларга юксак эҳтиром кўрсатилди. Жумладан, 62 та кам таъминланган хона-доннинг ҳар бирига 2 кило-граммдан гўшт ва 5 минг сўмдан пул ажратилди. 2 та хонадонга ҳам бир бош-дан қўй ҳадя этилди...

Чанглик йигитларни то-ғу-тошларда отда юриб, изғирин совуқларда чин-қиб катта бўлган, дейиша-ди. Шундан-да уларнинг Успиринлари ҳам катталар тенги улоқча шох ташла-шлари. Ўрбасла жасур чав-андозлар 20 минг сўмлик совринни эгаллашди, ке-тишди-я. «Отанга балли» деб қолишди бир гуруҳ қа-риярлар уларнинг ортидан. «Мард бўлсанг» оқил бўл-доно бўл» деб шуни айта-дилар-да.

Дарвоқе, чангликлар ҳа-зил-мутойибага ҳам ўч экан-лар. Ким билан гаплаш-санг, ҳар гапининг ораси-да хандон отиб қўлишди. Шу сабабмикин, бугун бу-ерга Обид Асомов бошчили-гидаги бир гуруҳ аскиячи-лар ташриф буюришди. Ҳа, айтгандай, кишлоқ-нинг «Чақ-чақ» фольклор дастаси исми жисмига мо-нанд тарзда кишилар юзи-га чақчақ кулгу ҳадя этмоқ-да.

Навбатдаги ташрифимиз «Паркент» давлат хўжа-лигига бўлди. Бизни «Бош-қизилсой» кишлоқ кенга-шининг раиси Сайданбар Сайдаримов илиқ қарши олди.

«Бошқизилсой» таркибида 4 та — Шампань, Санганак, Невич, Новдак кишлоқла-ри мавжуд бўлиб, 8 мингга яқин аҳоли яшайди. Бу ер-да район Наврўз жамағар-масидан саккиз кишига моддий ёрдам кўрсатилган. Хўжалик билан ҳамкор-ликда уни лавом эттириб, 53 та моддий таъминотга муҳ-тож хонадонларнинг ҳар бирига 2 килограммдан гўшт, 2 килограммдан ёғ, нўхат, 5 килограммдан гуруч тар-қатилган. Бундан ташқари, кишлоқ кенгашининг та-

бир кадам жилғиси кел-начора, яна бир қатор кишлоқлардаги иштирок этиш керак-да. Ҳамроҳимиз рай-он ҳокимлиги, ташкилий ишлар бўлими муdiri Ба-ҳодир Икромов бизни Чан-ги кишлоғига бошлади. Бу ердаги тантаналар ҳам ав-ложига чиққан эди.

— Кишлоғимиздаги ўн-та маҳаллада 6300 киши ис-шаббуси билан 24 хонадон-га кир қоплан ун, ярим килограммдан чой, 5 кило-граммдан гуруч ҳайр-эх-сон тариқасида ҳадя этил-ган. Шунингдек байрам шодиеналарини кўнгилдагидек ташкил этиш мақсадида етарли миқдорда маблағ ажратилган. Шампань ки-шлоғида бўлганмишда бир тўп аёллар Орифа ая ва Ҳурмат ая каби кўпни кўр-

тортиради. Қани эшитай-ликчи. Ҳисаракни қизлари-ё, Қизил олмадек юзларин. Узоқларга донг кетган-о, Ҳур қизлариниз номлари. Айтишларича, Наврўз ни-шонланаётган кунда буй етган қизлар бир жойга тўп-ланишиб, чиройли гул-чабарлар ясашар экан. Уни бошларига тақишиб, кўзаларда булоқдан сув олиб келиб, узук ва ис-риқларини кўзага ташла-шканлар. Кейин мана шу қў-шининг хиргойи қилишиб, сувдан буюмларини оли-шар экан. Бу эса бахт кел-тиришдан нишона бера-р экан. Мана, паркентлик қизларнинг бахтли бўлиш сирлари қаерда?!

Ҳа, бу ерда бўлганлар

ган онахонлар бошчили-гида сумалак тайёрлашга ки-ришган эдилар. — Йилда бир марта тоғ-ликлар тайёрлаган сумала-книнг тўйиб есангиз, сира касал бўлмайсиз, болам, — дейди Орифа ая бизга удумга кўра туз-юн узат-ган.



Кимдир шу дамда чил-дирма олиб келди, ҳайҳай-лашиб худди тўйхонадаги-дек ёр-ёрни бошлаб юбор-дилар.

... Бой отанинг берган қўйи, сариқ экан ёр-ёр, Қўда буваим сўйя деса, ориқ экан ёр-ёр. Терсини обориб ўстани қилсин ёр-ёр, Илгини обориб устун қилсин ёр-ёр.

— Ҳар йил баҳор, Наврўз келганда кишлоғимизда ёр-ёр айтиш одат тусига кир-ган, — дейди қаҳрамон она, кишлоқ хотин-қизлар кенгаши раиси Манзура Матанова. — Бу Наврўз-нинг келинчамисол йил да-вомида кишлоғимиз одам-ларига сadoқатли ёр каби йўлдош бўлсин, деган ма-ънони беради.

Биз шу кунни бир қанча кишлоқларда бўлдик. Қаер-да бўлмайлик, паркентлик-ларнинг мард ва оқил, ўз-ларига тўқ, ўзгаларга дўст эканликларининг гувоҳи бўлдик. Дарҳақиқат, рив-оят қилишларича, Паркент-парилар макони деган маъ-нони берамиш. Бу ривоят кичиклик ҳақиқатга яқин-лигини билмадигу, лекин шунинг айтиш мумкинки, Паркентнинг нафақат та-биати хушманзара, балки одамлари танга, қизлари шўх ва дилбар. Йигитлари эса паҳлавон келбатлидир-лар. Паркентлик қария-ларнинг сўзамоллиги, гапи-нинг пурмаъволигига иқ-дор бўлмай, билгида куч-гайратлари жўш уриб тур-ган йигитларининг чайир-лигига, дилбар қизлари-нинг мафтункор хуснига тан бермай иложингиз йўқ. Ҳа, ҳар йил Наврўзда Паркентнинг мард ўғло-лари турли беллашуварга, дилбар қизлари эса гўзал-лик баҳсларига чорлайди.

Холтура ШАФОАТОВ. Суратларда: Наврўз шодиёналаридан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган су-ратлар.





КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Мустақил Ўзбекистоннинг маданий ва маърифий ҳаётида кенг нишонланган Наврӯз байрами тантанали равишда қилинган. Махалла ва районларда шайхонлар, маҳалла ва районларда шайхонлар, маҳалла ва районларда шайхонлар...

малак тортиди. Баҳор байрами дастурхони атрофида маҳалла масжиди бошлиғи Тўлаған ота Самадов ўтганларни ёд айлалди, дуои фотиҳа ўқиди.

Шундан сўнг ушбу маҳалла раиси Нигматулла Зоҳидов барчани баҳор байрами билан қутлади. Бу шодиёнани мароқли ва мазмунли ўтказишда жонбозлик кўрсатган Т. Собиров, А. Обидов, Т. Оташайхов, Э. Мирзааҳмедов, Ш. Зияев, тўнг отгунча сумалак пиширган Р. Аҳадов, Н. Акбарова ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. Дастурхон атрафини йилгилан хотин-қизларни маҳаллада қарийб 32 йилдан бери котиба бўлиб келатган Муҳаббат Исмолова муборакбод этди.

Шу кунни тўқин дастурхон атрофида шўх рақслар, дилрабо куй-қўшиқлар анчагача янграб турди. Наврӯз шодиёнаси қизиқарли ва мазмунли ўтди.

А. ТОЛИПОВ,
«Янги турмуш» маҳалласининг маданий ва маърифий ишлар кенгаши бошлиғи.



ШИФОХОНАДА БАЙРАМ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг А. Семашко номи илмий-тадқиқот институти 2-клиникаси Тошкент минерал сувлари шифохонасида кунги кеча Наврӯз байрами бўлиб ўтди. Шифокорлар ҳамда бу ерда даволанувчилар Наврӯз айёмини катта шоду-

зоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Қозимбек Қаҳорбеков даврани очиб, барчани Наврӯз айёмини билан қутлади. Собир Таласбеков раҳбарлигидаги санъаткорлар ўз қўшиқлари ва куйлари билан даврага файз қилди. С. РАТЛАРДА: Наврӯз айёминдан лавҳалар.

* Шу сонга хабар

Тошкентлик қор маликаси — Гран При

Олис Норвегиянинг қорли ўлиғида Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси янгради. Бу ерда, Лиллехаммер шаҳри яқинида фристайл бўйича жаҳон кубоғи мусобақасининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Лина Черязовага ҳеч қим тенг келолмади. Бу — Гран При мусобақасида Ўзбекистон вақлисининг навбатда галабаси эди. Тошкентлик спортчи қиз кубоқининг ўн икки босқичидан еттигача қатнашиб, бешта олтин, битта кумуш ва битта бронза медали олди. Умумий ҳисобда Лина 600 очко тўплаб, швейцариялик Колетт Бринд ва америкалик Микки Стоун каби машҳур фристайл усталаридан анча илгарилар кетди.

Жаҳон кубогининг бениҳоя қийин, кўп босқичли мусобақаси голибига аталган 100 миң долларлик соврин тошкентлик қор маликасига тегиш. Л. Черязованинг маҳорати босқичдан-босқичга охиш бораверди. Чанғида акробатика усулида сакраш маҳоратини эмас, бу машқларнинг мураккаблигини ҳам шундан яққол далолат беради. Лина эркин учайтиб, «Ультра ган» комбинациясини бажарган дунёдаги бирдан-бир спортчи аёл бўлиб чиқди.

Спортчи қизимиз ва унинг мураббийси Дмитрий Кавунов Лиллехаммердан юборган телеграммасида республика Президентини И. Каримовага, Ўзбекистон ҳукуматига, спорт ташкилотлари ва ишчи-болаларига ёрдам ва маддадлари учун зўр миннатдорчилик изҳор этдилар.

Доминик диққат-этибор туйғайлигина жанубий республикамизда спортнинг шу гаройиб тури бўйича машқ ва мусобақалар учун яхши шартноғ яратилган. Чимен тоғидаги ўйингоҳда жуда яхши база барпо этилган. Бу ерда Ўзбекистонлик спортчиларини эмас, ҳамдустликнинг кўпгина мамлакатларидаги фристайл ихлосмандлари ҳам ўз маҳоратларини оширмақдалар.

ОГОҲ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР!

ҚУРЪОНИ Қаримда ҳар бир мусулмон учун ўғирлик, товламачилик, порахўрлик, судхўрлик, қимор, ароқфурушлик каби иллатлар тамомила таққиланганлиги қайд этилган. Нопок йўллар билан топишган бойликлар эса ҳаром деб ҳисобланган.

ВИЛОЯТ ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Жумҳуриятимизда бўлаётган бундай олажанов ишлар, узғаришлар, уюшган жиноятчиликни тағ-томори билан тугатиш учун бошланган кураш сиёсатидан ўзларга тегишли ва аниқ ҳуқуққа чиқарган пойтахт вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам бутун минқат-эълоннинг ҳар бир соҳага тартиб ўрнатишга қаратилган. Бу борада, айниқса, жиноят қиларву бошқармаси бошлиғи Султон Облабеков, иқтисодийтаги жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи Миродилла Мирвоқилов, тергов бошқармаси бошлиғи Исоқул Усмоновлар раҳбарлигида ана шу бошқармаларнинг ходимлари, айниқса ичкилик билан дадил иш олиб бормоқдалар.

Шу туйғайли яқинда Янгийўл райони ҳудудига «Уши» лақабли фуқаро бошчилик қилган 12 кишидан иборат уюшган жиноий гуруҳ қўлга олинди. Улардан кўп миқдорда гнѳхванд моддалар, курюл-ароғ ва ўқдорлар тортиб олинди. Улар Оққўрғон, Янгийўл, Қўйичириқ ва Чиноз районларида автоволо ўғирлаш, аўравонлик қилиб пул ундириш, мол ўғирликлари билан шугўлланиб келган.

Бекобод райони ҳудудига М. ва Е. исмли шахслар бошчилик қилган уюшган гуруҳлар эса савдо, тижорат, ширкат ходимлари, оддий фуқароларга зўрлик

ишлатиб, уларни қўрқитиб бойлик орттириш билан шугўлланган. Бундай мисолни яна кўплаб келтириш мумкин.

1992 йилда вилоят ички ишлар тизимлари томонидан 652 та ана шундай жиноий гуруҳлар фоти этилди. Бу гуруҳлар таркибига 1524 нафар шахс уюшган бўлиб, 1051 та жиноят содир қилишда қатнашган, улар айбонлиб жазага тортилди.

Бу борадаги ишлар йил бошидан янада масъулият билан олиб боришмоқда. Зағиота қиллоқ кенгаши ҳудудига яшовчи Н. Т. қонунга хилоф иш қилганлиги учун иқтисодийтаги жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. У Янгийўл шаҳридаги «Биохимия» заводига ишлаб чиқариладиган спиртдан қўбюла ароқ тайерлаган. Қўбюла ароқ, қоньяк махсуслотини ўз ми-

жозларига доналаб эмас, юзталаб, мингталаб ишлаб сотиб келган. Спиртни эса юзтаб литр ҳажмида сотиб олган. Ароқфурушлик йўлига ўтган бу ноинсоф ўз ҳаменини тўлдиратганда хаёлга қўбюла ароқни ичиб бевақт ҳаётдан кўз юмаётганлар, кўзи кўр бўлиб, ошқозон, жигар, юрак хасталикларига дучор бўлаётганлар келмадимкин? Бундай фожиани эшитиб, одамларга қарата «Огоҳ бўлинг, бундай нопоклардан сақлангин, улардан ҳеч нарса сотиб олманг, қўлингизни ҳаром нарса билан буғатманг» дегинг келлади. Ҳозир бу қилмиши учун Ж. Т. Зағиота райони ички ишлар бўлими томонидан хибсга олинди ва тергов ишлари олиб боришмоқда.

Шу райондаги «Наврӯз» жамоа хўжалиги консерва цехи бошлиғи А. Е. ўз мансабининг суниётсизмоқ қилган ҳолда «Шарқ» хўжалик ҳисобидан савдо ташкилотига қарашли дўкон мудир А. Ҳ. га 100 та бир литрлик 15 ша банкадаги винони 15 миң сўмга сотган. А. Ҳ. ва унинг сотувчилари эса винонинг ҳар банкасини 250 сўмдан сотатганларида миллиончи ходимлари томонидан қўлга олинди. Цех бошлиғи А. Е. нинг темир саудини текширилганда эса 100 миң 308 сўм пул чиқди. Ҳозир бу иш юзасидан жи-

ноий иш қўзғатилган. Улар яқин кунларда суд олдига жавоб берадилар.

Бўка районининг «Партия XX съезди» жамоа хўжалигида яшовчи Т. Ҳ. ўз ижозларига «Тижорат» дўконига ҳар метри 335 сўмдан сотилиши керак бўлган 157 метр баҳмали 1200—1300 сўмдан сотган, натижада 47 миң 455 сўм фойда кўрган...

Чиноз райониди «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи Т. И. яқинда мол ўғирлаганлиги учун хибсга олинди. У шундай даражага бориб етгани, ҳатто қўнқўшнинг маҳалладошлари молнинг ҳақиқатини аниқлаш орти қўнқўшнинг ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. У Янгийўл шаҳридаги «Биохимия» заводига ишлаб чиқариладиган спиртдан қўбюла ароқ тайерлаган. Қўбюла ароқ, қоньяк махсуслотини ўз ми-

жозларига доналаб эмас, юзталаб, мингталаб ишлаб сотиб келган. Спиртни эса юзтаб литр ҳажмида сотиб олган. Ароқфурушлик йўлига ўтган бу ноинсоф ўз ҳаменини тўлдиратганда хаёлга қўбюла ароқни ичиб бевақт ҳаётдан кўз юмаётганлар, кўзи кўр бўлиб, ошқозон, жигар, юрак хасталикларига дучор бўлаётганлар келмадимкин? Бундай фожиани эшитиб, одамларга қарата «Огоҳ бўлинг, бундай нопоклардан сақлангин, улардан ҳеч нарса сотиб олманг, қўлингизни ҳаром нарса билан буғатманг» дегинг келлади. Ҳозир бу қилмиши учун Ж. Т. Зағиота райони ички ишлар бўлими томонидан хибсга олинди ва тергов ишлари олиб боришмоқда.

Шу райондаги «Наврӯз» жамоа хўжалиги консерва цехи бошлиғи А. Е. ўз мансабининг суниётсизмоқ қилган ҳолда «Шарқ» хўжалик ҳисобидан савдо ташкилотига қарашли дўкон мудир А. Ҳ. га 100 та бир литрлик 15 ша банкадаги винони 15 миң сўмга сотган. А. Ҳ. ва унинг сотувчилари эса винонинг ҳар банкасини 250 сўмдан сотатганларида миллиончи ходимлари томонидан қўлга олинди. Цех бошлиғи А. Е. нинг темир саудини текширилганда эса 100 миң 308 сўм пул чиқди. Ҳозир бу иш юзасидан жи-

ноий иш қўзғатилган. Улар яқин кунларда суд олдига жавоб берадилар.

ТАҲРИРИЯТГА ХАТЛАР

САНСАЛОРЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

ТОШКЕНТ ШАҲАР, АКМАЛ ИКРОМОВ
РАИОН ХАЛҚ СУДИ ЭЪТИВОРИГА

МЕН Бекобод шаҳрида уч фарзандим билан истиқомат қиламан. Турмуш ўрғотим Мирвоҳид Файзиев билан 1991 йил октябрь ойида суд орқали ажралишганимиз. Судда у бола-ларга ихтиёрий ёрдам нафақаси беришини айтди. Унинг сўзига ишонган судья болаларга нафақа тўлаш ҳақида ажрим чиқармади. Бироқ орадан олти ой ўтди ҳамки, ҳеч қандай нафақа келмади. Шундан сўнг 1992 йил 4 майда тегишли хужжатларни тўплаб, мен Бекобод шаҳар халқ судига собиқ умир йўлдошим Мирвоҳид Файзиевдан нафақа ундиририш беришини сўраб ариза бердим. Суд болалар учун 50 фоиз нафақа ажратиб бериш ҳақида қарор чиқарди. 1992 йил 25 июнда ижро варақаси Файзиевнинг турар жойи Бўка Тошкент шаҳар Акмал Икромов район халқ судига жўнатилди. Лекин орадан икки ой ўтса ҳам нафақадан дарак бўлмади. Мен Акмал Икромов район халқ судига

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

Абдулла Қодирий вақфи (жамғармаси)
Ўзбекистон Ешлар иттифоқи Маркази Қўмитаси
Ўзбекистон телерадиоконкомпанияси
«МУШТУМ» ЖУРНАЛИ
Абдулла Қодирий 100 йиллиги олдидан
Наманганлик қизиқчи
Рустам ҲАМРОҚУЛОВ хотирасига бағишлаган
«КИЗИҚЧИ — 93»
Республика ёш қизиқчиларининг аъъанавий танловини шу йил май ойида Наманган шаҳрида ўтказадилар. Танловга 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган зукко, тили бурро, танилган ва танилмаган сўз усталари ва қизиқчилар қатнашишлари мумкин.
Аризалар: 10 апрелгача Тошкент шаҳар Туроб Тўла кўчаси, 1., 214-хонада қабул этилади.
Тел: 45-74-86, 45-75-25.
Тошкентдаги «Амал» фирмасининг йўқолган муҳри ва бурчакли штампини БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Тошкентдаги «Юнжий» ширкатининг йўқолган муҳри ва бурчакли штампини БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

«Мамлакатимиз аҳолиси чет элларга ёрдам беришни унчалик ёқтирган эмас ва ҳозир ҳам ёқтирмайди. Россиядаги воқеаларнинг ривожланишини биз олдиндан белгилай олмаслигини америкаликлар яхши тўшунадилар. Аммо биз бу воқеаларга таъбир ўтказма оламиз. Президент сиёсатида меннинг вақимам эса у ердаги воқеаларнинг натижаси биз учун бевосита ва тўғридан-тўғри манфаатли эканлигини ҳалқни ишонтиришдан иборат. Мен бу вақимани эълол оламан, деб ўйлайман», — деди АҚШ Президентини Билл Клинтон Арканзас штатида сўзлаган нутқида.

Билл Клинтон маъмурияти АҚШ конгрессига мурожаат этиб, Россияга 1 миллиард доллар миқдорда қўшимча молиявий ёрдам қилишни илтимос қилмоқчи бўлиб турибди. «Уолл-стрит жорнэл» газетаси душанба кунин Оқ уйдаги расмий шахсларнинг гапларига асосланиб шу хабарни босиб чиқарди. Маъмурият келгуси молия йили бюджетига хорижий ёрдам дастури доирасида Россия учун ажратилиши талаб қилаётган 700 миллиард доллар бу ҳисобга кирмайдми.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироққа қарши жазо чоралари тартибини ўзгартириш қолдири. Хавфсизлик Кенгашида душанба кунин бўлиб ўтган масъалашуварлардан кейин кенгаш раиси Теренс Кри-

«ЯНА ҚАНЧА КУТАМИЗ?»

БИЗ бир гуруҳ қариялар «Тошкент ҳақиқати» рўномасининг обуначилари сифатида унда еригилатган турли мақола ва янгиликларни мунтазам ўқиб бормиз. Мазкур рўнома меҳнаткашларнинг оғирини енгил қилишда, халқимизга республикамиз раҳбариятининг олиб бораётган сиёсатини ериб боришда катта ишлар қилмоқда. Шу ўринда биз рўноманинг бош муҳарриридан тортиб, жамонинг барча аъъолари бу йўлда янги-янги зафарлар тилаймиз.

Сизларга мактуб йўллашимиздан мақсад — мана бир неча ойлар, Шайхонтоҳур райониди 42-телефон станцияси ходимлари ўз вазибаларига совуқчилик билан қараб келмоқдалар. Бизнинг уларга бир неча бор мурожаат қилишимизга қарамай ёлғон-яшиқ гаплар билан алдаб қўйишларини туйғайли биз қиналаётганимиз керак. Илтимос, масалани одилола ҳал қилиб беришда ёрдам берсангизлар.

Д. САМАНДАРОВА,
Бекобод шаҳри.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИ ХУЖАЛИКЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ШАЙХ» САВДО УЙИ

ХВС 1642 агрегати пахтадан қамраб олгичининг ишлатиб бўлинган пулга ва алюминийдан асалган счёлкаларини, 14 ХВ 21650 агрегатининг юқори дисчёлкаларини икки дарчаси билан
НАҚД ПУЛГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Тошкентдаги телефонлар:
(3712) 67-73-90, (3712) 33-11-75.
Модем Леханд 689948, Модем ИСМ 1200 689948
Факс (3712) 689314, телекс 116426 UNONA SU.
Тошкент, Сельмаш кўчаси, 2-уй. «Шайх» савдо уйи.

Қйрай район ҳокимлиги А. Маққобулов номи қиллоқ кенгаши раиси
Абдуҳалил Ҳақимович ПАТТООВНИНГ
бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъъолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор этади.

Муассислар: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ. БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32. ХАТЛАР ВА ОММОВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48. АХБОРОТ, ТИЖОРAT ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.